Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАЪБОН, 17-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҲУТ, 3-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА, 38-СОН • 289 • НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 60 ТИЙИН.

ҚАБУЛ МАРОСИМИ

19 февраль куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал Файсал ал Саудни қабул қилди.

Суҳбат чоғида И. А. Каримов саудиялик меҳмонни Ўзбекистондаги бугунги сиёсий ва иқтисодий вазият билан батафсил таништирди. Республикамиз, — деди жумладан президент, — мустақиллик йўлидан дадил қадамлар ташлаяпти, бизни ер юзидаги 93 та давлат тан олди. Биз бир қатор мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатаяпмиз. Яқинда Ҳиндистон, Туркия, Швейцарияга ҳукумат делегациялари ташриф буюришди. Ўтган ҳафтада АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Тошкент ва Самарқандда бўлди. Италия, АҚШ, Швейцария, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларнинг ишбилармонлари билан дўстона ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айни пайтда Ўзбекистонда 1100 та қўшма корхона унумли фаолият кўрсатаётир.

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади И. А. Каримов, ҳозирча Саудия Арабистони билан алоқамизни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунинг эса, очиқ айтиш керак, маълум сабаблари бор: шу пайтгача сизларни бизга нуқул ёмонлаб келишарди, ўз навбатида сизларда ҳам биз ҳақимизда ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишган. Бу — ҳар иккала давлат ўртасига низо солиш учун қилинарди, албатта. Мана энди орамизга ҳеч ким нифоқ сололмайди, энди Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида мустаҳкам биродарлик алоқалари ўрнатилади, деб ишонаман. Сизнинг ташрифингизни ана шу жабҳадаги илк қадам деб ҳисоблайман. Насиб этса, биз ҳам юртингизга бориб, халқингиз билан, сизларда амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан танишишга муяссар бўламиз.

Ҳозир республикамизда иқтисодий аҳвол оғир. Бу — ўша узоқ йиллар давомидаги қарамликнинг оқибати. Аммо танг вазиятдан қутулиш учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд: табиий бойликларимиз беҳисоб, одамларимиз меҳнаткаш. Бунинг учун вақт ва ҳориждаги биродарларимизнинг кўмаги ҳам зарур. Ишонаманки, бунда Саудия Арабистони ҳам ёрдамини аямайди.

Сўнгра И. А. Каримов бир қатор соҳалар, жумладан, молия-кредит, соғлиқни сақлаш, туризм бўйича ҳамкорлик қилиш, Тошкент—Жидда ҳаво йўлини ишга тушириш ва, ниҳоят, элчихоналар очиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар! Сизларни хорижий мамлакатнинг расмий делегацияси аъзолари эмас, балки ўз қардошларимиз ва дўстларимиз деб ҳисоблайман, деди суҳбат сўнгида республика Президенти.

Сауд Ал Файсал, аввало, Ўзбекистон Президентига Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Саднинг самимий саломини етказди. Ҳозир сизлар туб бурилиш даврини бошдан кечираяпсизлар ва, табиийки, ушбу жараён қийинчиликларсиз бўлмайди. Аммо энг асосийси шундаки, Ўзбекистон энди мустақил. Муаммоларингизни ҳал этишда эса Саудия ҳам ҳисса қўшолса, биз ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис этардик. Ишонаманки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам боғланади, Ўзбекистон тез фурсатда фаровонлик тимсолига айланиб қолади.

Сауд ал Файсал Ўзбекистон Республикаси Президентига Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауд ҳазратларига ташаккур етказишни сўради.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети раиси Ў. Т. Султонов иштирок этишди.

20 февралда саудиялик меҳмонлар Тошкент билан танишишни давом эттиришди, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон диний бошқармасига ташриф буюришди, улар Самарқандга ҳам сафар қиладилар.

А. ЖЎРАБОЕВ,
ЎзАхборотнинг махсус мухбири.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ САУД АЛ ФАЙСАЛ АЛ САУД

1942 йилда туғилган. 1964 — 75 йилларда ҳукмронлик қилган Амир Файсалнинг ўғли, саудлар сулоласининг асосчиси Абдул Азиз ибн Сауднинг неварасидир.

1965 йилда АҚШдаги Принстон дорилфунуни иқтисод факультетини битирган, иқтисод фанлари бакалавридир.

1971—74 йилларда нефть ва минерал ресурслар вазирининг ўринбосари, «Петромин» Саудия нефть компаниясининг маслаҳатчиси, нефть олий кенгашининг бош котиби лавозимларини эгаллаб турган.

1975 йил октябрдан — Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири. Саудиядаги энг нуфузли сиёсат арбобларидан биридир. Амирнинг энг масъулиятли ва нозик топшириқларини бажаради. Фақат энг муҳим халқаро ва арабларо анжуманларда Саудия делегациясига бошчилик қилади.

Сауд ал Файсал Яқин Шарқ можаросини ҳал қилиш ва арабларо муносабатлар масалаларида мутахассис ҳисобланади. Яқин Шарққа доир сулҳ конференцияси доирасида кўп томонлама музокараларга тайёргарлик юзасидан 1992 йил 28—29 январда Москвада бўлиб ўтган ташкилий учрашувда Саудия делегациясига бошчилик қилган.

Сауд ал Файсал мувозанатли ташқи сиёсий йўлни ўтказиш тарафдоридир. Собиқ СССРга уч марта: 1982 йилда Араб — Исроил можароси юзасидан Араб давлатлари уюшмаси «еттилар комитети» делегацияси таркибида, 1988 йилда Амир Фаҳднинг махсус вакили сифатида ва 1990 йилда амалий ташриф билан келган. Унинг сўнгги ташрифи чоғида иккала мамлакатда дипломатия муносабатларини тўла йўлга қўйиш ва элчихоналар ҳамда бош консулхоналар очиш тўғрисида аҳдномага эришилган.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ И. А. КАРИМОВ ҲАЗРАТЛАРИГА

Жаноб Президент, Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикасини мустақил деб тан олганлигини сизга маълум қилиш шарафига муяссарман. Немис халқи Ўзбекистон Республикасини Мустақил Давлатлар Ҳамжамиятининг аъзоси сифатида таб риклайди.

Сизнинг мамлакатингиз демократиялаш жараёнида ва ҳуқуқий тарзда мустақиллик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига ва оз сонли халқлар ҳуқуқларига кафолат бермоқда.

Республика БМТ Хартиясига доир мажбуриятларни, Хельсинки Якунловчи ҳужжатини ва Париж Хартиясини тан олмоқда. Низоли масалалар бундан буён куч ишлатиш билан ҳал қилинмайди, деган энг асосий қоида ҳам шу жумлага киради.

Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга, бу ҳақда музокаралар бошлашга тайёр.

Бирлашган Германия ҳукумати Бирлашган Германия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстлик ва ҳамкорлик руҳида амалга оширишга интилади.

Жаноб Президент, Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг халқларига немис халқи номидан ва шахсан ўз номимдан бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман.

Жаноб Президент, самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Бирлашган Германия Президенти

Рихард фон ВАЙЦЗЕККЕР.

ТЕҲРОНДАН ҚАЙТИШ

Маълумки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) юқори доираларининг Эрон пойтахтида бўлиб ўтган икки кунлик учрашуви ўз ишини тугатди. Мулоқотда шу мамлакат Президенти Али Акбар Ҳошими Рафсанжони, Туркия Президенти Турғут Ўзол, Покистон Президенти Навоз Шариф, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этишди. Қозоғистон вакили кузатувчи тарзида қатнашди.

Ш. М. Йўлдошев бошчилигидаги делегация 18 февраль куни Теҳрондан Тошкентга қайтиб келди.

«НАСАФ» БИРЖАСИНИНГ АКЦИЯ ВА БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«НАСАФ» ҚАШҚАДАРЁ УНИВЕРСАЛ ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ АКЦИЯЛАРИНИ ҲАМДА БАҲОСИ 100 МИНГ СУМДАН БЎЛГАН ДОИМИЙ БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ СОТАДИ.

Чет эллик ҳамкорлар учун брокерлик ўрнининг баҳоси 5 минг АҚШ доллари

ҚАШҚАДАРЁ — РЕСПУБЛИКАНИНГ МИСЛСИЗ НЕФТЬ ВА ГАЗ ОМБОРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРУВЧИ ЭНГ ЙИРИК ҲУДУДЛАРДАНДИР.

Бу ерда республика бўйича газ умумий ҳажмининг 99 фоизи ёки 40 миллиард куб метри,

газ олтингугуртининг 100 фоизи ёки 500 минг тоннаси,

газ конденсатининг 80 фоизи ёки 1 миллион 440 минг тоннадан кўпроғи,

1 миллион тонна атрофида нефть қазиб олинади.

ҚАШҚАДАРЁ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЎРТА ТОЛАЛИ ВА ҚИММАТБАҲО ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА НАВИНИНГ 520 МИНГ ТОННАСИНИ ЕТИШТИРАДИ.

Бундан ташқари вилоят қайта ишланган ловия ва пахта ёғи, минерал хом ашё ҳамда бошқа харидоргир маҳсулотларнинг ҳам салмоқли миқдорига эга бўлиб, уларнинг бир қисми биржадаги савдоларга қўйилади.

Биржа муассислари орасида «СРЕДАЗГАЗПРОМ», «ЎЗБЕКНЕФТЬ», «ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмалари, республика ва вилоятнинг бошқа ЙИРИК ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ бор.

Сиз «НАСАФ» биржасининг акция ва брокерлик ўринларини сотиб олиш билан Россия, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа шаҳар ва ҳудудлари, Болтиқбўйи, Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия бозорларига чиқиб ҳар қандай номенклатурадаги маҳсулотларни сотиш ҳамда харид қилиш имконига эга бўласиз.

«НАСАФ» биржасида сотиб олинган молларнинг олиб кетилиши лицензиялар билан таъминланади.

«НАСАФ» биржасида сотувчи ва харидорлардан воситачилик тўлови энг кам миқдорда, яъни 3 фоиз олинади.

ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАСЛИК УЧУН ШОШИЛИНГ!
ВАҚТ — НАҚД ПУЛ ДЕМАКДИР!

Биржанинг ҳуқуқий манзилгоҳи: 730000, Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 219-уй.
Биржанинг алоқа телефонлари: 4-38-02, 3-57-09, 3-76-01.

Диққат: кашфиёт ёнмоқда!

ДИМЛАНИБ ЁТГАН БОЛАК

МЕНИНГ ЯРАТГАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ ЯРАТГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетига, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Тиббиёт академиясига, «Халқ сўзи» рўзномасининг бош муҳарририга

УМИДИМ ФАҚАТ ОЛЛОҲДАН ВА СИЗЛАРДАН

Мен, наманганлик ўқитувчи Неъматжон Абдуллаев асли табиблар шажарасиданман. Аввало ўз аждодларим тажрибасига таянib, қолаверса Абу Али ибн Синодек алломалар руҳидан мадад олиб одамлар дардига малҳам қидирдим. Узоқ йиллик изланишларим натижасида Ўзбекистонимиз тоғларида ўсувчи гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаб турли хасталикларни даволаяпман.

Шулардан энг яхши самара бергани рак — ўсма касаллиги илдизини қуритувчи малҳам бўлиб, уни отам номи билан «Қурбонсин» деб атадим. «Қурбонсин» ёрдамида 1984 йилдан то ҳозиргача рак касалига чалинганлиги турли онкологик диспансер ва илмий тадқиқот муассасаларида қайд этилган юзлаб беморларни даволадим.

1989 йилнинг 28 августида латвиялик профессор Иварс Кальвиньш менга ёрдам сўраб мурожаат этди. Унинг рафиқаси кўкрак бези ракига мубтало бўлиб, даво-си топилмаган ва иккала кўкраги кесиб ташланган. Шунга қарамай, орадан 5—6 ой ўтгач, беморнинг кўкрак ва қўлтиқларидан яна ўсимталар ўсиб чиққан... Дунёга танилган олим И. Кальвиньш рафиқаси ҳаётини асраб қолиш илинжида кўпгина мамлакатлардаги машҳур олимлардан ёрдам сўрабди. Бироқ уларнинг ҳаммаси «Хотинингиз ракнинг урғочисига йўлиққан. Бундай хавфли ўсма [злокачественний опухоль]ни даволашга, афсуски, дунё медицинаси ҳозирча ожиз», — дебди. Профессорнинг бу гапини эшитгач, унга савол бердим:

— Хотинингизни дунё олимлари тузата олмаган бўлса, мен даволаётган даврда у ўлиб қолса нима бўлади!

— Хотиним ўлиши аниқ, лекин мабодо дорингиздан тузалиб кетса, мен сизни уч ойда дунёга машҳур қиламан, — деди у.

Шундан сўнг гиёҳлардан тайёрлаган дориларимдан бериб юбордим. Бу даврда профессор Кальвиньш Латвия Фанлар академиясининг органик синтез институтида директор ўринбосари бўлиб ишларкан. У 1989 йил 15 октябрда келди ва дориларни аввал каламушларда синаб, сўнг хотинини даволаганини айтди. Дори хотинидаги рак илдизларини қуритгани, роса 14 кунда тузалиб кетганлигини севинч билан гапириб берди. Ва шу билан бирга тағин бир бемор тузалганини таъкидлади. Энди дорини давлат комиссияси синовига топширмоқчи эканлигини изоҳлаб, дориданяна олиб кетди.

Латвия ФА буюртмаси бўйича Ленинграддаги онкология илмий тадқиқот институти 1989 йилнинг ноябрь, декабрь ва 1990 йилнинг январь, февраль ойларида хавфли ўсма касали билан оғриган 9 беморни даволади. Дори синовдан яна муваффақиятли ўтди. Ва 1990 йилнинг 1 март куни профессор Кальвиньш номига ракка даво топилганлиги ҳақидо хат борди. 1990 йилнинг 14 март куни «Латвия ФАнинг ходими» мазмунида гувоҳнома олдим. Профессор И. Кальвиньш дорини дунёга эълон қилишдан олдин 2 та шарт қўйди:

1) Дорилар таркибини — составини аниқ айтиб берасиз.

2) Кашфиётнинг ватани ҳам, дориданкеладиган даромад эгаси ҳам Латвия бўлиб қолади.

Бу шартларга кўнмадим. Чунки биринчиси амалга ошса кашфиётим қўлимдан кетиши табиий.

Иккинчисига рози бўлиш эса мен учун она халқимга, Ўзбекистонимга хиёнат қилиш билан баробар эди.

Шу аниқша ва эътиқодимга биноан шартномага имзо чекмай икки йилни ўтказдим. Дунёда қанчадан-қанча одамлар рак касали билан оғриб, бевақт кўз юмаверсалар. Мен эса унинг малҳамини ушлаб ўтирсам тўғри бўлармикан!! Ёки она халқим, мустақил Ўзбекистоним ва унинг раҳбарияти ўз фарзанди, демакки, Ўзбекистон яратган ўз кашфиётини қонуний қилиб расмийлаштириб ололадими!!

Неъматжон АБДУЛЛА.

Бу муаммо хусусида 3-саҳифада муфассал сўз юритилган.







Нонинг борми — мустақилсан!

ҚУРУҚ ҚОШИҚ ОҒИЗ ЙИРТАР

ОДАМЛАР орасида, катта ва кичик давраларда аввал иқтисод, кейин сиёсат, юзта сиз-биздан битта жиз-биз каби гаплар ярим чин, ярим ҳазил маънода тез-тез ишлатилади. Албатта бу билан ширин нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин каби халқ донишмандлигининг бебаҳо каломлари қадрини ерга урмоқчи эмасмиз. Лекин бўш қоп-тик турмайди. Доно бўлиш учун аввало инсон соғлом бўлиши зарур. Тўйиб овқатланмаган одам баракали меҳнат қилиши, теран фикрлаши мумкин эмас. Шундай экан энг азиз неъмат — нонинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Мен оддий бир қишлоқ хўжалик ходими сифатида «Халқ сўзи» рўзномаси яна бир савоб ишга бош-қош бўлаётганидан руҳланиб қўлга қалам олдим. Узоқ йиллик иш тажрибам, икки-уч мавсумдан бери хўжаликка раҳбарлик фаолиятим пайтида кўрган-кечирганларим, бевосита ўзимиз амалга ошираётган ишлар хусусида фикрлашмоқчиман.

Баландпарвоз гаплар даври ўтиб кетди. Лекин ҳамон ўтмиш идеологияси миямизга қўйиб келган сарқитлардан қутула олмаяпмиз. Оддий қилиб айтганда қорнимиз оч бўлишига қарамай сиполик қилаяпмиз. Эртанинг ташвиши ҳақида жиддий бош қотирмаяпмиз. Етар энди. Ортиқча «зиёлилигимиз» — ёлғончилигимиз эканлигини тан олайлик. Ахир ҳар қандай аҳлоқнинг таг-заминини иқтисодий муносабатлар белгилаши ҳеч кимга сир эмас-ку.

Хўжалигимиз ташкил топганига йигирма йилдан ошди. Қип-қизил чўл — бунёдкор деҳқонларимиз пешона тери эвазига серҳосил пайкалларга айланди. Лекин унда меҳнат қилаётган, ризқ-рўз етиштираётган инсонлар турмуши кўнгилдагидаймми? Улар ҳаётини оз бўлсада яхшилаш учун нималар қилиш керак? Ун беш йилдан зиёд бўлимга бошқарувчилик қилиб сувчию тракторчи, кетмончию теримчи дардига шерик бўлиб келдим. Ҳамдардлик яхши. Аммо амалий ёрдам қилолмасанг бир дардингга мингтаси қўшилар экан.

Шу боис бундан икки йил муқаддам хўжаликка бош бўлганимдан сўнг асосий мақсадим меҳнаткашнинг бирини икки қилиш бўлди. Омадим бор экан: раҳбарлик йилларим бирмунча яхши даврга тўғри келди. Айни шу йилларда оз бўлсада деҳқонга эркинлик берилди. Унинг меҳнати қадрлана бошлади. Энг муҳими қишлоқ кишиси бир парча ўз ерига эга бўлди. Хўжалигимизда уй қураман, неъмат етиштираман деганларнинг барчасига ер бердик. Чорва билан шуғулланадиганларга ҳам баҳоли-қудрат кўмаклашиб келаяпмиз. Ўтган йил якуни бўйича ҳар бир ишчи-хизматчига икки юз килограммдан буғдой тарқатдик. Аҳолига тўрт тонна пахта мойи, ўн тонна гуруч берилди. Ҳозир омборимизда 170 тонна буғдойимиз бор. Агар режа билан ишлатсак омон-эсон янги ҳосилга етиб оламиз. Бугун-эрта янги тегирмонимиз ишга тушса мавжуд буғдойни торттириб, одамларга 100 тонна ун тарқатишни мўлжаллаб турибмиз.

Албатта булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Барча мутахассисларимиз, раҳбарларимизнинг асосий диққат-эътибори бирни икки қилишга қаратилган. Имконият яратилгач, одамлар ҳам бизга ишонишаяпти. Астойдил меҳнат қилишаяпти. Биргина ўтган йилни олиб кўрайлик. Эрта баҳорда ишни яхши ташкил этганлигимиз туфайли чигитни ўн иш кунида экиб олдик. Йиғим-терим мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ўтди: ўн икки кунда режани зиёдаси билан уддаладик. Ялпи хирмонимиз ўн икки минг тоннадан ошиб кетди. Бундай муваффақиятга хўжалигимиз тарихида биринчи маротаба эришилди.

Даромадга қараб буромад, деганларидек одамларимизга бугунги бозор иқтисодиёти шароитида яқиндан кўмак бериш имкониятига эга бўлдик. Йил бошида кўп фарзандли оилаларга ёрдам сифатида 250—300 сўмдан пул тарқатдик. Аҳволи ночор ҳисобланган еттита хонадонга ҳар ойда 350 сўмдан нафақа бериб келаяпмиз. Яқинда янги нарх-навога ўтилиши муносабати билан 37 та хўжаликка 600—1000 сўмдан ёрдам пули берилди.

Албатта, нарх-наво осмонга кўтарилиб кетган бугунги кунда пулнинг қадри қолмади. Шу боис хўжалигимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга астойдил киришдик. Асосий неъматимиз — буғдойни ўтган йилдагидан икки баробар кўп, яъни 186 гектар ерга экдик. Бахтимизга ёмғир етарли бўлаяпти. Мўлжалимизча 650 тонна ҳосил оламиз. Агар ниятимиз амалга ошса бу йил халқимизни ун билан тўлиқ таъминлаймиз.

Қийинчиликлар кишини тадбиркорликка ундар экан. Мустақилликнинг илк қадамлари халқимизни ақл билан иш юритишга, биргаликда астойдил тер тўкишга даъват этаяпти. Хулоса шуки, аҳлоқи юксак жамият аввало иқтисодиётни яхшилаб олади, уни тартибга келтиради. Ана шу йўриққа амал қилсак ёруғ кунларга албатта етиб оламиз.

Маҳмуд ТУҚМОҚОВ,
Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги директори, Сирдарё вилоят советининг депутати.



«Оқ олтин» районидаги Андижон давлат хўжалигида ишбилармонларнинг фаолият кўрсатишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Хўжалик марказида кунжут ёғи олиш цехи, новвойхона ва тегирмон ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: 1. Новвой Алижон Ашурбоев кунига 400-500 донага яқин нон ёпмоқда. 2. Кунжут ёғи олиш цехи бошлиғи Қаҳрамон Пармонов укаси Илҳом билан.

Е. БОТИР олган сурат.

САУДИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ДИНДОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауд бошчилигидаги Саудия Арабистони расмий делегацияси аъзолари 20 февраль куни Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасига ташриф буюрдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида бошқарма раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф меҳмонларга Ўрта осиёлик буюк уламолар ҳақида, бошқарманинг фаолияти, ўлка мусулмонларининг ҳаёти тўғрисида, Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинганидан кейин динга катта эътибор берилаётганлиги, республика мусулмонларининг чет эллардаги биродарлари билан алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Муфтий делегация раҳбари шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауддан Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауд ҳазратларига олийларига Ўрта Осиё мусулмонларининг саломини етказишни илтимос қилди.

ТОШКЕНТДА ЭЛЧИХОНА ОЧИЛАДИ

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Файсал бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов билан учрашди. Саудия Арабистонининг давлат арбоблари, йирик компаниялар вакиллари, диний номояндалари иштирок этган ушбу учрашувда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш хусусида сўз борди.

Убайдулла Абдураззоқов 70 йилдан ортиқ давр мобайнида Ўзбекистонга мазкур мамлакатдан бундай мўътабар меҳмонлар биринчи бор келганликларини таъкидлади. Республикамиздаги масжиду мадрасалар, университетлар, саноат корхоналари, савдо ва тижорат марказлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хева каби кўҳна шаҳарлар, юртимиздаги хонадонлар эшиги азиз меҳмонлар учун очиқ эканлигини айтди.

Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Файсал юртдошларининг Ўзбекистон халқларига чуқур ҳурматини изҳор этиб, уларнинг дуои саломларини етказди. У қадимий Жидда, Ар-Риёд, Макка, Мадина шаҳарлари билан Ўзбекистон тупроғидаги азим кентлар ўртасида, фуқаролар орасида биродарлик, қондошлик, меҳр-мурувват ривожланишига, «Ипак йўли» аталмиш қадимги савдо-сотиқ алоқаларини мустаҳкамлаш, муносабатларни тиклашга азму қарор қилинаётганлигидан мамнун эканлигини айтди.

Расмий учрашув чоғида томонлар сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданият соҳаларида ҳам самарали ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Шу куни икки давлат ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш, Ар-Риёд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси элчихонасини, Тошкентда Саудия Арабистони элчихонасини очиш ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйилди.

Ўзбекистон тупроғида Саудия Арабистони делегацияси ташрифи давом этмоқда.

Маъмур НАЗАР,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Муҳаррирга муҳаррир мактуби

ЖУРНАЛИСТГА КИМ ҚАЙИШАДИ?

Тақдиру азалнинг шум қилмишини қарангки, «бозор» даставвал журналистнинг гирибонидан олди. Матбуот нашрларининг нархи бир неча баробар кўтарилгани билан биз «дастёр»ларнинг чўнтагимизга барибир файз-барака кирмади. Бўлғулик бизгаю муштарийга бўлди.

Агар дунёда дўзах азобидан ҳам оғир иш бўлса, бу журналистники эканлигини ақли расо кишилар аллақачон тан олишганини яна бир бор таъкидлашдан ўзимизни тия олмадик. Дарҳақиқат, биз жамият равнақи учун, одамларнинг роҳат-фароғати учун ўзимизни ўтга ҳам, чўғга ҳам урамиз, сув келса симириб, тоғ келса кемириб, бамисоли игна билан қудуқ қазиймизу, аммо вақти-соати келиб биз бечораларнинг пешонамизни силайдиган бир «меҳрибон қўл» топилмаганидан афсус-надоматлар чекамиз. Гапнинг рости, бир умр қадримизга йиғлаб келганмиз, буни яхши тушунасиз. Энди қорнимиз учун ҳам кўз ёши тўкишга тўғри келаяпти.

Кейинги бир—бир ярим йил ичида республикамизда халқ фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида анча жиддий ишлар рўёбга чиқарилди. Ишбилармондан тортиб «иш билмайдиган»гача, етимдан тортиб ногиронгача, фермердан тортиб «бечора» ширкатчигача — ҳамма-ҳаммага чинакам ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Аммо «қайта қуришнинг ғоявий қуроли» бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларидан менинг назаримда «Ҳолинг не?», «Қай аҳволда қалам тебратаяпсан?», «Сен жамият равнақи тўғрисида ижод қилаётганингда бола-чақанг қўшниникида бетоқат бўлиб ўтиришмаяптими?», «Ёрқин келажак ҳақида ёзишдан аввал ярим килограмм гўшт келтириб қўйишга ярадингизми?» дегувчи топилмаётганига, ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилувчи мард йўқлигига ачинмай бўладими? Бу аҳволда журналистликдан кўра қаландарлик қилиш осон кўчмайдими?

Биз журналистлар ҳеч қачон, ҳеч қандай жамиятда ноумид яшамаганмиз. Қолаверса, ўзбек журналистикасининг асосчилари Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби пирларимиз орзу қилган мустақиллик даврига ҳам етиб келдик. Ўзбеклигимизни, мўмин-мусулмонлигимизни, Муҳаммаднинг уммати эканлигимизни сира ҳадиксирамай айтадиган замонга эришганлигимиз учун ҳар сония Яратганга шукур келтиряпмиз.

Шу билан бирга тирик жон экан, яна ўз «кўмочингга кул тортишни», «белбоққа ёлчишни» ўйлар экансан.

Шунинг учун ҳам энг аввало ҳукумат тасарруфидаги оммавий ахборот воситалари ходимларининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган хаётбахш фармон чиқариш учун республика қаламкашлари номидан Олий Кенгаш сессиясига таклиф киритиш фурсати аллақачон етилди.

Иккинчидан, журналист қоғоз, босмахона, алоқа хизмати, обуна деган жабру-жафолар ҳақида эмас, эл-юрт ташвиши, миллат ва миллий қадрият тўғрисида ўйлайдиган, қалам тебратадиган шароитга эга бўлса;

Учинчидан, журналистни оёғи боқади, деган эскича ақидани супуриб ташлаб, билими, қобилияти, иқтидори тўйғазади, деган фикрни бошқаларга ҳам сингдирсак. Токи «оператив» хабар учун оператив транспорт воситасига эга бўлайлик, жонимиз пўлатдан эмаслигини раҳбарларга етказайлик;

Тўртинчидан, республика оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун фақат журналистлар учун эмас, балки барчага баробар бўлиши тўғрисида яна бир бор фикрлашиш имкониятини вужудга келтирайлик.

Айтаверсанг гап кўп, аммо ҳозирча шу билан чегараланишни лозим топдик. Биз бу ҳақда бошқаларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини билишни истардик. Бунга сиз нима дейсиз?

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
«Андижоннома» рўзномасининг бош муҳаррири.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ҳамдўстлик давлатларининг давлат бошлиқлари билан ҳукумат бошлиқлари (бундан кейин «томонлар» деб юритилади) томонларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар ва ташкилотлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-МОДДА

Давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлари Ҳамдўстлик доирасида ўзаро манфаат асосида амалга оширилсин ва бир-бирига иқтисодий зиён етказадиган ҳаракатлар қилинмасин.

2-МОДДА

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун, Ҳамдўстлик доирасидаги кредит бериш ва бошқа молиявий операциялар учун томонлар ягона пул бирлиги (сўм)дан фойдаланадилар.

Ҳамдўстликнинг айрим давлатлари ўз миллий валютаси жорий этган тақдирда ҳисоб-китоблар тартиби алоҳида битимлар билан белгиланади.

Ҳамдўстлик давлатларининг корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар эркин бозор нархлари билан амалга оширилади. Ҳукуматлараро битимлар доирасида етказиб бериладиган маҳсулотларнинг томонлар ўзаро келишиб олган айрим энг муҳим турлари бўйича нархларнинг чекланган даражаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Томонлар монополиячи корхоналар маҳсулотининг нархларини махсус битим асосида тартибга солиш ҳақида келишиб олдилар.

3-МОДДА

Томонлар бошқа давлатларга юбориладиган моллар ва хизматларни ўз давлатлари ҳудуди орқали бемалол ўтказиб юборишни таъминлаш ва юк ташиш тарифларининг чекланган даражасини келишиб туриш мажбуриятини оладилар.

4-МОДДА

Томонлар Ҳамдўстлик давлатларининг корхоналари ўртасидаги савдо-сотиқдан тушадиган даромадларга икки ёқлама ва кўп марталаб солиқ солинишига йўл қўймаслик чораларини кўриш мажбуриятини оладилар.

5-МОДДА

Томонлар маҳсулот етказиб берилишига норма ва рухсатнома белгиламаслик, шунингдек тарифсиз чеклашларнинг бошқа шаклларини жорий этмаслик ҳақида келишиб олдилар. Ҳукуматлараро битимларга киритилган турдаги моллар нинг рўйхати бундан мустаснодир.

Шу рўйхат келишиб олингунга қадар норма ва рухсатнома белгилаш ҳар бир давлатда қабул этилган тартибга мувофиқ амалга оширилсин.

Томонлар ҳукуматлараро битимларда белгиланган ҳажмларга мувофиқ Ҳамдўстлик давлатларига маҳсулот етказиб бериш нормаларини ҳукуматлараро битимларнинг бажарилиши учун жавоб берадиган ташкилотларга маълум қилиш ҳақида келишиб олдилар. Мазкур нормалар Ҳамдўстликнинг тегишли давлатларига маҳсулот олиб боришга рухсатномалар бериш учун асос бўлади. Томонларнинг тартибга солувчи идоралари белгиланган нормалар доирасида маҳсулот етказиб берувчиларга бириктириб қўйилганлиги ҳақида берган ахборотлар уларнинг ҳудудидан маҳсулот олиб кетиш учун рухсатномалар деб ҳисобланади.

Томонлар молларни олиб кетиш ва олиб кириши тартибга солувчи миллий меъёрий ҳужжатлар қабул этилгунга қадар томонларнинг ваколатли ташкилотлари бириктириш учун берган нарядлар асосида ташиладиган юкларни ўз чегаралари орқали бемалол ўтказиб юборишни таъминлашлари ҳақида келишиб олдилар.

6-МОДДА

Томонлар моллар етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларнинг бажарилишига, шу жумладан 1992 йилда мазкур битимларни бажариш ҳисобига маҳсулот етказиб бериш учун томонларнинг корхоналари ўртасида бир ой муддатда хўжалик шартномалари тузилишига ва шу шартномаларнинг бажарилишига кафолот берадиган зарур меъёрий ҳужжатларни қабул этиш ҳақида келишиб олдилар.

Томонлар шу йилнинг февраль ойида давлатларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан 1992 йилда маҳсулот етказиб бериш ҳақида хўжалик шартномалари тузилишини ва ҳукуматлараро битимларга мувофиқ маҳсулот етказиб беришнинг ҳукумат идоралари маълум қилган ҳажмларини бажарилишини таъминлайдиган зарур меъёрий ҳужжатларни бир ҳафта муддатда қабул этиш ҳақида келишиб олдилар. Томонлар ҳукуматлараро битимларга мувофиқ белгиланган доираларда маҳсулот етказиб бериш учун буюртмалар қабул этилишини, шунингдек мазкур ҳажмларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартномалар тузишдан бош тортганлик учун жарима тарзида жавобгарликни таъминлайдилар, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажармаганлик учун ҳам жарима ундирилишини таъминлайдилар. Бу жарималарнинг миқдорлари бир ҳафта муддатда келишиб олинади.

Томонлар ҳукуматлараро битимларга киритилган маҳсулотни етказиб бериш учун шартномалар тузиш пайтида томонларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан муқобил маҳсулот етказиб бериш тўғрисида бир томонлама тарзда истеъмолчиларга қўшимча талаблар қўйишдан воз кечишни талаб қилиш ҳақида келишиб олдилар. Томонларнинг розилиги билан 1992 йилда маҳсулот етказиб беришнинг келишиб олинган ҳажмлари ҳисобига томонларнинг айрим минтақалар билан бевосита шартномалар расмийлаштиришларига йўл қўйилади.

7-МОДДА

Томонлар ҳукуматлараро битимларда кўзда тутилмаган хом ашё, материаллар, чала тайёр маҳсулотлар ва технология жиҳатидан қайта ишлашда фойдаланиладиган бутлаш буюмлари ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб бериш соҳасидаги кооператив тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни 1991 йилда етказиб берилган ҳажмларнинг, қоида тариқасида, камида 70 фоизи даражасида сақлаб қолиш ва ривожлантириш чораларини кўриш мажбуриятини оладилар.

8-МОДДА

Томонлар ҳукуматлараро битимларни бажариш юзасидан маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартномалар тузиш пайтида муқобил маҳсулот етказиб бериш ҳақида томонларнинг ҳудудларида жойлашган корхоналар томонидан бир ёқлама тартибда қўшимча талаблар қўйишларига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

Ҳукуматлараро битимларнинг ижросини назорат қилиш, ўзаро мол етказиб бериш муддатларини келишиб олиш, уларнинг амалга оширилишига оид низоли масалаларни кўриб чиқиш учун томонлар манфаатдор давлат мақкамаларининг вакилларидан иборат икки томонлама комиссия тузадилар.

9-МОДДА

Томонлар тўлов балансларини асосида савдо ва носавдо операциялар бўйича ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳисобга олинишини уюштирадилар ҳамда уларнинг мувозанатли бўлишига эришишни йўлга қўядилар, ҳамда уларнинг мувозанатли бўлишига интиладилар. Томонлар тўлов балансининг мувозанатлилигини таъминлаш мақсадида ҳар бир томоннинг бошқа томонлар билан тўлов-ҳисоб-китоб муносабатларида чеклашлар жорий этиш ва тўлов балансининг савдосини узиш юзасидан давлат мажбуриятлари расмийлаштирилишини талаб қилиш ҳуқуқини тан оладилар.

10-МОДДА

Томонлар норма белгиланиши ва рухсатнома берилиши лозим бўлган молларни ўз ҳудудида мазкур моллар ишлаб чиқарилган давлатнинг ваколатли органи розилигисиз учинчи давлатга экспорт қилмаслик ҳақида келишиб олдилар. Шундай моллар учинчи давлатларга экспорт қилинган тақдирда ўз ҳудудида шу моллар ишлаб чиқарилган давлат учинчи давлатга экспорт қилишга йўл қўйган давлат ҳудудига мол чиқаришни чеклаб қўйиш юзасидан чоралар жорий этишга, шунингдек учинчи давлатга экспорт қилишдан олинган жами валюта тушуми миқдорида товон талаб қилишга ҳақлидир.

11-МОДДА

Томонлар Ҳамдўстликдаги турли давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўзаро муносабатларини тартибга соладиган умумий ҳуқуқий база яратиш мақсадида бир ой муддатда Ҳамдўстлик давлатларининг ташкилотлари ўртасида мол етказиб беришнинг умумий шарт-шароитлари ҳақида битим қабул этиш ҳақида келишиб олдилар.

12-МОДДА

Томонлар биргаликда божхоналар сиёсатини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, божхоналарнинг ўзаро алоқасини мувофиқлаштириб туриш, божхоналарга оид статистика юритиш учун томонларнинг вакилларидан иборат божхоналар маслаҳат кенгашини тузадилар ҳамда шу кенгаш ва унинг шахсий таркиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тайёрлашни тегишли идораларга топширадилар.

13-МОДДА

Томонлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш чоғида Ҳамдўстлик давлатларининг корхоналари ва ташкилотлари ўртасида вужудга келадиган низоли масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида бир ой муддатда битим тузиш ва шу масалаларни кўриб чиқиш учун зарур идораларни таъсис этиш ҳақида келишиб олдилар.

14-МОДДА

Битим имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Минск шаҳрида 1992 йил 14 февралда рус тилида битта асл нусхада тузилди. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади, Беларусь Республикасининг ҳукумати ушбу битимни имзолаган давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Битимни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзоладилар.

ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ПРОТОКОЛИ

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг бошлиқлари қуйидагиларни шартлашиб олдилар:

СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва чеклаш тўғрисида тузилган шартномани ҳамда Европада оддий қуролли кучлар ҳақидаги шартномани тезроқ тасдиқлаш ва кучга киритиш мақсадида Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг мутахассисларига уларни тегишли қатнашчи давлатлар томонидан тасдиқлаш, маъқуллаш ва бажариш тартиби тўғрисидаги битимни тезроқ тайёрлаш топширилсин.

Минск шаҳрида 1992 йил 14 февраль куни рус тилида битта асл нусхада тузилди. Асл нусха сақлаш учун Беларусь Республикасининг ҳукуматига топширилади, Беларусь Республикасининг ҳукумати унинг тасдиқлаган нусхасини имзолаган давлатларга юборади.

Протоколни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзоладилар.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БЎШАТИЛГАН КИШИЛАРНИНГ ВА УЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Бундан кейин «Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар» деб аталадиган Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина

ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматдан бўшатилган кишилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш учун келишилган тадбирлар қабул этилиши зарурлигига асосланиб,

ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ учун Ҳамдўстликдаги бир давлатдан иккинчисига ўтиш ёки заҳирага бўшаш (истеъфога чиқиш) ҳуқуқларини ҳисобга олиб,

ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш учун муносиб турмуш даражаси ҳамда шарт-шароит, шунингдек, мазкур тадбирларни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида қуйидагиларга рози бўлдилар:

1-МОДДА

Ҳарбий хизматчиларга, ҳарбий хизматдан бўшатилган ва Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ҳудудида яшаётган кишиларга, шунингдек уларнинг оила аъзоларига бундан илгари собиқ ССР Иттифоқи қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлар ва имтиёзлар даражаси сақланиб қолади.

Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматдан бўшатилган кишилар ва уларнинг оила аъзоларига берилган мазкур ҳуқуқлар ҳамда имтиёзларни бир томонлама чеклашга йўл қўйилмайди.

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий хизматдан бўшатилган кишиларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш юзасидан тадбирлар кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

2-МОДДА

Ҳамдўстлик давлатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига ва мазкур битим қоидаларига мувофиқ ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматдан бўшатилган кишилар ва улар оила аъзоларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ўз қонунлари билан белгилайди ва унинг тўла амалга оширилишини таъминлайди, жумладан бунга қуйидаги ҳуқуқлар киради:

улар ҳарбий хизматга чақирилгунгача (кирганигача) бўлган вақтга қадар Ҳамдўстликда қатнашувчи қайси давлат фуқароси бўлса, ана шу фуқароликни сақлаб қолиш;

уларга тегишли мулкка эгалик қилиш ва ана шу мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;

ўзлари турган уй-жойларда яшаш;

қонунда белгиланган пенсияни олиш. Ҳарбий хизматчиларни пенсия билан таъминлаш тартиби ҳуқуматлараро битимларда белгиланади;

Ҳамдўстлик давлатининг давлат чегарасидан ўтиш чоғида ўз шахсий мулкини пошлина, солиқ ва бошқа тўловлар тўламай олиб ўтиш. Тегишли давлат қонунида олиб келиш (олиб кетиш) таъқиқланган буюмлар бундан истисноди;

Ҳамдўстлик давлатлари олий, ўрта ва ўрта-махсус билим юртларида таълим олиш, мактабгача болалар муассасаларидан фойдаланиш;

тиббий хизматдан ва ижтимоий таъминотнинг бошқа турларидан фойдаланиш;

ҳарбий хизматдан бўшаганидан сўнг давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишга жойлашиш;

бундан ташқари ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан бўшаганларидан сўнг, шунингдек уларнинг оила аъзолари ўзлари яшайдиган давлат фуқаролигини қабул қилиш, унинг ҳудудида доимий яшаш ёки яшаш учун бошқа жойни танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

3-МОДДА

Ҳамдўстлик давлатлари уй-жойи бўлмаган ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини улар турган давлат қонунига мувофиқ уй-жой билан таъминлайдилар.

4-МОДДА

Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар 1992 йилда ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий хизматдан бўшаган кишиларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида ўзаро келишилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул этиш мажбуриятини оладилар.

5-МОДДА

Битим имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Битим 1992 йилнинг 14 февраль куни Минск шаҳрида рус тилида, битта асл нусхада тайёрланди. Унинг асл нусхаси Беларусь Республикаси ҳукуматининг архивида сақланади. Беларусь Республикасининг ҳукумати мазкур битимни имзолаган давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

Битимни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина вакиллари имзоладилар.

Битимни имзолаш чоғида Молдова Президенти Молдовада ҳарбий хизматчиларга кафолат республика қонунида белгилаб берилишини таъкидлади.

Диққат: кашфиёт ёнмоқда!

- Саратон-ўсма касалликларининг давоси топилди.
- Оқ қон хасталиги чекинмоқда.
- Жигар, ўт халтаси ва буйракдаги тошлар қумдек эриб кетмоқда.
- Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми?

«Рак касалликларининг малҳами Ўзбекистон мулки бўлиб қоладими ёки умуминсониятга тезроқ нафи тегсин учун уни чет элларга топшириб юборавераймизми?» — дейди табиб Неъматжон АБДУЛЛАЕВ.

ОДАМЛАРДАН эшитдим: мансабдорлардан бири паромонлик табиб Неъматжон Абдуллаевга кўрсатма юборибди. Унда табибнинг рак касалликларини даволаш усули замонавий тиббиёт талабларига жавоб бермаслиги учун у ўз фаолиятини тўхтатиши зарурлиги қатъий таъкидланибди.

Бундан икки-уч йил олдин Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасининг ходимлари томонидан республика матбуотига нисбатан норозиликлар эшитила бошлади: у табибу экстрасенслар, ҳатто фолбинлар учун очиқ минбар бўлиб қолганмиш. Ўша даврдаги вазир — профессор С. М. Баҳромов тасарруфидаги мутахассисларга таклиф қилди: «Замонавий тиббиётга хос бўлмаган усулда даволовчиларнинг фаолиятини ўрганувчи махсус гуруҳ тузилсин-да, ўз тиббий хулосасини айтсин». 1990 йил август — декабрь ойларидан иборат муддат белгиланди. Бу даврда вақтли матбуот имкон доирасида бундай тарғибот ишларини чеклаб турди. Лекин 1991 йил январь ойигача ҳам бирор мутахассис ноанъанавий даволовчилар фаолияти юзасидан аниқ хулоса бермади...

ПАРОМОН ҚИШЛОҒИДА

ЭРТАКЛАРДАГИДЕК «йўл юрса ҳам мўл юрган» киши тоғлар бағрини обод қилган Паромон қишлоғига етиб келади. Қотма беллари буралиб-буралиб кўкка бўйлаган чўққилар афсоналардагидек маҳобатли, сирли кўринади. Ана шундай рангин олам остонасига етиб борган йўл тўлқинланиб кетади-да, йўловчилардан нимжонларини нақшинкор бир дарвоза олдида тўкиб ўтади. Бу — Неъматжон акалар хонадони. Шаҳар поликлиникаларида йўлакларга қўйилган ўриндиқларда соатлаб, кунлаб ва ҳатто ойлаб навбат кутиб ўрганган жуссалар мана шу тоғ-тошда ҳам ўзларига шароит яратишган: кесилган дарахтнинг йўғон танасини девор тагига келтириб ўриндиқ ясаб олишибди. Катта-кичик тошхарсанглар устига хотиржам қўниб, сумка-қопчиқларидаги хўракларни танаввул қиладилар. Кейин мусофирлар сув излаб кўча бўйлаб ёйилишади... Ҳув нарида — йўлнинг икки томонига чўзилган ҳовлилар аро қотмадан келган, қорача, чайир бир аёл уйма-уй бош уради:

— Меҳмонлар кўчада қолмасин, жон қўшни, бир кечага жой беринг.

Бу — табиб Неъматжон аканинг куюнчак умрдоши Салима опа.

— Салимахон, ўзингиздан қолар гап йўқ, бир тандирлик кўмиримиз қолган. Ўн тўрт жон битта уйда жон сақлаяпмиз. Хоналар совуқ — чақиб олади. Касали баттар бўлиб қолмасин меҳмонларни. Бир томони — қиш қўйни тор, бу ёғи бозор...

Бетоблардан беш нафари Хўжаободга, уч нафари Ўшга, беш киши Бўкага, икки аёлу бир эркак Бекободга ва саккиз киши Қашқадарёга қайтиб кетишларига тўғри келди. Бир тутам кун ўтиб бораяпти. Дарвоқе, Салима опа мусофирхона ишлаб юрган пайтда кўчадаги эркаклардан 7—8 нафари ўзаро шивирлашди: «Табиба Тошкентдан қисув хати келган экан. Шунга, дори беришдан қочиб, уйда ўтиргандир?». Кейин улар бир ҳовли бўлиб, табиб хонадонидаги ҳаммма эшик-дераза ларга мўралаб кўришди. Уй ва айвонга, ошхонаю молхонага бўйлашди. Охири хафсалалари пир бўлиб, Наманган шаҳридан жой топиш умидида йўлга чиқишди.

ЭЛ РАҲМАТИ

«Мен, Иноғомова Оминахон 19—20 ёшларимда тутқаноқ касалига чалинганман. Касаллигим орқасидан қанча дўхтирлар берган дориларни истеъмол қилдим, лекин тузалмадим... Неъматжон ака менга тоғдан туширилган ўтни мясорубкадан чиқариб бердилар. Ва ўтни бош миямга дока билан қўясиз», дедилар. Уша дорини қўйгандан кейин кўзим равшанлашиб, миям тикланди...

Наманган вилояти,.... 1991 йил 5 сентябрь».

«Мен, Ражабова Мўмина 1988 йилдан 90 йилгача Тошкентда онкология институтида даволандим. Лекин фойдаси бўлмади. Неъматжон Абдуллаев берган дориларини у киши айтганидек қилиб ичдим. Бўйнимда ёнғоқдек ва ундан катта кўпгина безлар бор эди. Дориларни ичгандан кейин икки ойда илдиз-пилдизигача қуритиб, тузатиб юборди...

Бухоро вилояти,... 1991 йил, 8 октябрь.».

«...Турмуш ўртоғим Раззоқова Зуҳрахоннинг ўт пуфагида 5—6 йилдан бери 1,5—2 сантиметрли тошлар бор эди. Бу касаллик билан больницаларда 57 кун ётган эди. Бунақа ётишлардан жуда кўп бўлган. Лекин ҳеч қандай фойда кўрмади. Неъматжон ака олдига келиб, дорилар олиб кетдим. Уч кун деганда ўтдаги тошлар қум бўлиб тушиб кетди. Ҳозир жуда яхши бўлиб кетган, ҳолбуки врачлар ўтни олиб ташлаймиз деган эдилар.

С. Раззоқов. Андижон вилояти,... 1991 йил, 17 октябрь.

«...Домлам Тўхтасин Ҳожибоевнинг ўғли Шуҳрат Тўхтасинов 2 йилдан бери шол бўлиб ўтириб қолган эди. Мутлақо юролмасди. Неъматжон акадан дори олиб кетгандан 5—6 кун ўтгач батамом юриб кетди.

А. Мирзааҳмедов. Олтиариқ райони,... 1991 йил, 5 декабрь».

«Чўлиев Шавкатжонни Жиззахдаги неврология касалхонасига кўрсатган эдик. 1989 йилнинг охирларида Тошкентда даволанди. 1990 йил август ойида Москвадаги Бурденко номидаги неврология касалхонасида анализ қилдирдик... Бошида шиш бор, операция қилиш керак, дейишди. Лекин тирик қолишига гарантия беролмасликларини айтишди. Бу вақтда Шавкатнинг чап қўл ва чап оёғида қувват камайиб кетган эди. Чап кўзи ҳам хиралашган, қўл-оёқларида шиш бор эди. Бошн қаттиқ оғрир, юришга жуда қийналарди... Неъматжон акадан даво ахтариб, излаб келдик ва 1991 йил июль ойида Неъматжон ака тайёрлаган дорилардан олиб ичирдик. Шавкатнинг қўлларидаги шишлар қайтди, юриши нормаллашиб қолди, кўзлари равшанлашди...

Акрамов Рустам, Фориш райони,... 1991 йил 7 ноябрь.».

«...Медицина ҳамширасиман. 1989 йилдан бери ошқозоним оғрийди, доимий амбулаторний лечение олиб юраман. 1990 йил июнь-июль ойларида оғриқ жуда безовта қилди. Японияда чиқарилган аппаратга тушдим. Ун икки бармоқли ичакда яра бор, дейишди. Лазер нури билан етти марта қўйдиришди. Лекин оғриқ ўша-ўша. Шу йили сентябрь ойида бир ой касалхонада даволандим, лекин фойдасини билмадим. 1991 йил августда Неъматжон ака Абдуллаевдан бировлар орқали дорилар олдириб ича бошладим... 3—4 кун ичганимдан кейин кучли оғриқ қаерга кетганини билмайман. Мана, бугун 1991 йил 8 ноябрь куни раҳмат айтгани келдим...

Ризаева Ойгул, Бухоро вилояти, Навбаҳор ноҳияси...».

«...Хотиним (...)нинг маткасида (ўнг томонда ёнғоқ катталигида, чап томонида катта одамнинг муштидай келадиган) ўсма бор деб область онкология диспансерининг катта врачи Полвонова Света ва шу диспансерда гинекология бўлими мудири Чабан Н. П.лар диагноз қўйишди (1990 йил). Улар операция қилишни, ... ҳеч қандай дори билан тузатишга фанимиз ожизлигини айтишди... Наманганлик табиб Неъматжон Абдуллаевни телевизорда эшитиб, 1991 йил июль ойида шифо излаб келдик. Улар берган дорини хотиним 15 кун давомида қабул қилди. 15 кун ўтгандан кейин ўзимизнинг областдаги роддом ва онколога диспансерида врачлар Полвонова Света, Чабан Н. П. ҳамда область бош гинекологи Рўзметовалар ўзлари аппаратда текшириб ...ўнг томондаги ўсма бутунлай сўрилиб йўқ бўлиб кетганини, чап томондагиси эса 4—5 баравар кичрайганини аниқлашди...

Р. Қутлимуродов, Хоразм вилояти,... 1991 йил, 19 август».

«...Ўғлим Орифжон врачлар диагнози бўйича оқ қон касаллиги билан оғриган эди... Ўғлимни Неъматжон аканинг олдига олиб келдим ва улар берган гиёҳлар билан даволадим. Кўрсатилган анализлар натижаси болам касаллиги 80 фоизга тузалганини аниқлади...

Соқиев Олимжон, Тошкент шаҳри...».

«...Отам Жўраев Абдусаттор қизилўнгач раки касаллиги билан Тошкент больницасида ётдилар. Бу вақтда отамнинг томоғидан сув ҳам ўтмай қолди. Врачлар унинг ошқозонига шланг улаб қўйишди ва уйга жавоб беришди... Яшаса 2 ой, бўлмаса унга ҳам бормайди, деб қўшиб қўйишди... Неъматжон ака берган дориларни олиб бориб отамга ичирдим. Шу билан отам яхши бўлиб кетдилар...

Жўраев Абдужаббор, Тошкент шаҳри... 1991 йил, 28 ноябрь.».

«20 йил давомида бел оғриғи касаллигига мубтало бўлиб, ҳар йили кичик даволар олиб юрардим. 1991 йил бошида қаттиқ шамоллаш натижасида белим кескин оғрий бошлади. Март ойида тамоман ётиб қолдим. Врачлар рентген ва тамограмма қилиб, дарҳол операция қилишни тавсия этишди, Умуртқа поғонаси орасида рак бези ўсиб чиққанлиги ва у нервларни қисиб оғриқ берганлигини исботлашди. Бир ой бадалида оғриқни босувчи дори ичиб юрдим...

Заркентда Неъматжон Абдуллаев борлигини эшитиб, 21 июлда учрашдим. Уч хил дори бердим. Дорилар 7—8 кунда оғриқни қолдирди. Бир ой ичиш натижасида оёғимга, белимга қувват кириб, бамалол юрадиган бўлдим...

Табиб Неъматжон Абдуллаев даволарини республикагагина эмас, балки қардош халқларга ҳам етказиш зарур. Чунки минглаб кишилар шу дориларга муҳтож.

Фикримча, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу дориларни етказиб беришни ва бунинг учун лаборатория очишни ўйлаб кўриши лозим.

Табиб қабул қиладиган жойда элементар шароит ҳам йўқ. Шунинг учун лаборатория хоналари, транспорт воситалари билан таъминланса улуғ иш бўларди...

Қодир Ҳотамов, ...профессор. Тошкент шаҳри. 1991 йил, 26 август.».

Мукаррама МУРОД қизи.

СЎНГГИ ИМКОНЛАР

Неъматжон ака тўрт кун деганда Тошкентдан қайтди. Қишлоққа тун чўккан эди. Эгаси шарпасини сезган баҳайбат ит ҳуриб овоз берди. Сўнг дарвозахонадан икки кишининг гангур-гунгури эшитилди. Уй бекалари улар истиқболига чиқишди. Табиб қизи Гулбаҳорнинг турмуш ўртоғи билан бирга кетган экан. Қайнота-кўёв-нинг айвонда бошланган суҳбати дастурхон атрофида ҳам давом этди.

— Мана, бизниям излаб юрган одамлар кўп экан-ку, дада! Неча йилдан шаҳи хуноб бўлиб юрибсиз.

— Шунақа-ю, барибир кўнглим хижил-да, ўғлим. Бегона — бегона-да! Мен Ўзбекистонимиз нóмидан чиқишини истагандим.. Афсус... Англия, Япония билан Арабистон мамлакатлари олимларига ҳамкорликда ишлашни таклиф этиб мурожаат қилдим. Яқин кунларда сўроқлаб келиб қолишлари мумкин. Энди беморларга дори беришни тамоман тўхтатамиз.

— Беш-ўн киши сизни тўрт кундан бери кутиб ётибди. Ранглари бир аҳвол. Ҳеч бўлмаса ана ўшаларга бериб юборайлик, — дейди Салима опа.

— Энди иложи йўқ. Аввало, мен мана шу Ўзбекистон фуқаросиман. Раҳбарият талабига зид иш тутавериш яхши эмас. Умр эса ўтиб бораяпти. Иссиқ жон. Минг-миллионлаб одамларга асқотадиган малҳам ўзим билан кетиб қолмасин, дейман. Шунинг учун, ким бўлсаям, уни ишониб қўлимдан олувчи, сарф-харажати, меҳнатидан қочмай, ишни охирига етказа оладиган одам қўлига топширсам... Мақсад битта — мана шу малҳам жаҳон дори-дармонлари рўйхатига киритилиб, инсониятга хизмат қилсин. Одамлар — кўпчилик. Касаллар — бесаноқ. Мен бўлсам, битта жоним... Бирини даволасам минги қолаяпти. Мана, шу кунларда гиёҳларимизнинг урвоғи қолди. Ушани сақлаб турмасак бўлмайди. Ахир чет элларга интервью бердим. «Қани ўша малҳам, мана биз уни ишлаб чиқаришга тавсия этамиз», — деб келиб қолишса, намуна топширмасам кулишмайдими? Мендан кулгани — ўзбеклардан, Ўзбекистондан кулгани бўлади. Дунёни чалғитдинглар, деб даъво қилишлари ҳам мумкин...

— Айтгандек, латвиялик академиклар билан ҳамкорлигингиз нима бўлди? — сўрайман юрагимни ҳовучлаб.

— Малҳам синовдан аъло даражада ўтган. Ҳаммуаллифлик шартномаси тузилган. Унда биринчи муаллиф — мен, иккинчиси — ўғлим Толибжон, учинчисидан бошлаб — латвияликлар. Имзо чекишим учун келтириб беришганига икки йил бўлди, ҳужжатга қўл қўйгани кўнглим бўлмаяпти...

— Дунёдаги кўпгина илғор мамлакатларда ракни даволаш юзасидан тинимсиз изланиш олиб борилаяпти. Инсон тафаккури доимий ўсишда, — сўзини давом эттиради суҳбатдошим. — Бир кунмас, бир кун кимдир ракнинг мен 1984 йилда яратган малҳамини ярата олади. Эҳтимол, улар яратган малҳам замонавий техника воситасида, қулай шароитларда ўта мусаффо таркибда бўлар... Лекин у аслида биринчи бўлмайдида! Мен Ўзбекистон ерида унган гиёҳлар яна биринчи бўлиб дунё дардига малҳам бўлишини истаяпман. Менинг малҳамим балки болалигимда мени эргаштириб юриб гиёҳ тўплаган табиб аммам қўллаган малҳамлар каби хашакироқ, қўлболадир. Эҳтимол, бобомиз Абу Али ибн Сино дорилари каби фавқулодда аниқ ва тоза, ўткир малҳамдир. «Қурбонсин» деб номланган бу малҳамларимнинг на сифатига, на унинг узоқ йиллар давомида ҳам ҳеч бир асорат бермаслигига кафиллик беролмайман. Аслида, ҳозир замонавий формакология тавсия этган минглаб дори-дармонларнинг ҳеч бири асоратсиз эмас. Лекин **бир нарсага аниқ кафолат бераман: мен бошчилигимда оила аъзоларимиз гиёҳлардан рак хасталиги кушандасини яратдик. У саратон-ўсма касалликларининг барча турини биринчи ва иккинчи босқичда батамом қуритиб юборади.** Тўғри, ҳузуримга келган беморлар орасида врачлар «энди одам бўлмайди» деб онкология шифохоналаридан чиқарган «оғирлари» ҳам бор. Улардан айримлари 18—25 кунда оёққа туриб кетишаяпти. Лекин бу, бедаво хасталикнинг учинчи-тўртинчи босқичини ҳам тузата оламан, деган гап эмас. Уни келажак кўрсатади.

Неъматжон ака Абдуллаев билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг ҳузурига шифо излаб узоқ-яқиндан келувчи беморларнинг сафи узилмасди. Умид билан, «аввали худо, қолаверса, бандаси сабабчи» деб келувчилар на йўл узоқлигини, на табиб Тошкентдан, фоалиятингизни йиғиштиринг, деб буйруқ олганини тан олар, ва на Неъматжон ака билан Салима опаларнинг «дори қолмади Энди кузда бўлади» деб узр сўрашларига кўнардилар. «...Фалон жойдан келдим. Болам ўлим тўшагида ётибди. Раҳм этинг. Ўзингизга деб олиб қўйган дорингиз бўлсаям беринг... Сиз топиб, малҳам тайёрлагунингизгача мана шу дарвозангиз олдида ўтираверамиз. Қишдан ҳам, итдан ҳам, мелисадан ҳам қўрқмайман», — деган илтижолар ҳар қандай тошни эритиб юборади...

Лекин... **Неъматжон ака ва унинг малҳами йўлига қўйилган тош негадир ҳамон қимирламаяпти.**

ТАБОБАТ ТИББИЁТНИ ҚАҚШАТУВЧИ ЭМАС, БАЛКИ УНИ ЯШНАТУВЧИ БЎЛГАН

...Бу дафтарлар (улар 4 та!) яна шуниси билан қимматлики, унда рақам чекканларнинг кўпчилиги аввал врачларга, турли шифохоналарга мурожаат қилишган. Сезгир аппаратлар ёрдамида аниқ ташхис (диагноз) қўйилган. Онкологик диспансерларда ҳисобда туришади. Яна энг муҳими, тузалиб кетган беморларнинг бир қисми Неъматжон акадан олган малҳамни ичиб бўлгач, яна рентген, УЗД аппаратларига тушишган. Касаллик аломати қолмаганлиги ҳақидаги ҳужжатларини олиб келиб табибда қолдиришган.

Балки Неъматжон аканинг даволаш усуллари замонавий-илмий тиббиётга бегона бўлса бордир. Ахир мана шу замонавий илмий тиббиётимиз юқоридагидек касалликларни ҳали даволай олмаганидан кейин, табибнинг усуллари албатта унга бегона бўлади-да! Лекин бу дегани — табобат билан тиббиёт бир-бирининг рақиби деган гап эмас. Ахир дорихоналаримиздаги бесаноқ турдаги дори-дармонларнинг тўқсон тўққиз фоизи қачонлардир махсус тиббий маълумоти (аниқроғи, дипломи) бўлмаган халқ табиблари томонидан кашф этилган ва амалда қўлланилгани аниқ.

Ҳа, тиббиётимиз минг йиллик табобат чашмаларидан озиқ олиб пайдо бўлганлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: «Табиб Неъматжон Абдуллаев замонавий тиббиётни писанд қилмай, унинг ор-рўйини тўкаяптими?»: Йўқ. Табиб аниқ ташхис (диагноз) билан келган беморларни даволаяпти. Уларнинг дарддан фориғ бўлганликларига ҳам тиббий кўрик хулосасини кўргач, ишонч ҳосил қилаяпти. Қолаверса, шифо топган беморларнинг айримлари Неъматжон Абдуллаев гиёҳлардан ўзи тайёрлаган дорилар билан бирга баъзи касалликларни даволашда дорихоналарда мавжуд медикаментлардан ҳам бераётганлигини айтишди. Яна, табиб ўзи яратган малҳам замонавий лабораторияларда таҳлил қилиниб, қайта ишланиб, сўнгра жаҳонга тақдим этилиши орзусида. Демак, ҳамма гап — кўр-кўрона манманлик, сансалорлик ва бефарқлик ва яна аллақандай номини айтишга тил бормайдиган бемазаликларни йиғиштириб қўйиб, эл-юрт манфаати йўлида, инсоният тараққиёти йўлида ҳар бир имкониятни тезроқ ишга солишда.

Акс ҳолда, халқ кимдан амалий наф кўрса, ўшанга талпинаверади. Худди шифобахш булоқларни эл кўзидан яшириш учун харсангтошлар қўйилса ҳам, ундан гоҳ тоғ бағри оралаб, гоҳ кўкдан учиб келиб баҳра олинавергани каби...

ТАҲРИРИЯТДАН:

«ЭЛ КЎЗИ—ТОШУ ТАРОЗУ»

(СИНОВ-КЎРИК)

КЕЙИНГИ йилларда замонавий тиббиёт мутахассислари билан халқ табобати вакиллари орасида сўзсиз мунозара давом этмоқда. «Халқ сўзи» рўзномаси 1991 йилнинг бошларида бу икки тоифа шифокорларни мулоқотга таклиф этиб мақолалар эълон қилган эди... Бугун Неъматжон Абдуллаевнинг малҳами ва даволаш усулига тан бериш ёки уни рад этиш керакми, деган масала ғоят долзарб бўлиб қолди. Шу муносабат билан таҳририят халқ табибини махсус синов-кўрикка таклиф этади.

Синов-кўрик шу йил 28 февраль куни Тошкент шаҳридаги масканлардан бирида ўтказилади (аниқ манзилгоҳ қўшимча эълон қилинади). Унда рак касалликларининг турлари билан оғриган беморлардан етти киши, ўт халтаси, жигар ва буйракда тоши бор беморлардан етти киши йиғилиш давомида залнинг ўзидан танлаб олинади. Мутахассислар, халқ табобати намояндалари, ҳукумат ва кенг жамоатчилик вакилларидан иборат синов ҳайъати сайланади.

Синов-кўрикда қатнашишни истаган беморлар бирор онкологик диспансерда ҳисоб рўйхатида тургану лекин ҳали кимёвий дорилар ва нур қабул қилмаган бўлишлари шарт. Улар бу ҳақда махсус тиббий тасдиқнома билан келишлари зарур.

Синов жараёнининг бошланиши ва муддат ўтгач, муолажа сўнггидаги натижа март ойининг ўрталарида маълум қилинади.

Қўлингиз енгиллиги рост бўлсин, муҳтарам Неъматжон ака!

«ХАЛҚ СЎЗИ» РЎЗНОМАСИ ЖАМОАСИ.

Яшилликка буркансин олам

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Баъзан туриб-туриб қабул қилаётган қарорларимиз, буйруғу фармойишлар, кўрсатмаю режаларнинг ҳаммаси ҳам бажарилавермаганидан хурсанд бўлиб кетаман. Яхшиям бизнинг гапимиз ишимизга, ваъдамиз натижамизга тўғри келмайди. Йўқса, билмадим, ҳозир Орол тўлиб-тошиб ҳаммаёқни сув босармиди, ё Ўзбекистон ҳудуди Африка жунглиси сингари ўрмону чакалакзорга айланиб, оёқ қўйишга жой тополмай сарсон бўлармидик. Хайриятки, сал беғамроқмиз, андек тепса тебранмасмиз, бироз ваъдабозу озгина ёлғончимиз. Қойилмақом жамиятимиз барчамизни масъулиятсизлик деб аталмиш узоқ таъсир қилувчи (балки авлоддан авлодга ўтувчи) ўткир «дори» билан эмлаган. Бизда ҳамма иш мавсумий тарзда олиб борилади. Хўш, у нима ўзи? Айтайлик, баҳор келди. Демак, кўчат экиш керак. Дарров карнай-сурнай билан ишга киришамиз. Матбуоту радио-телевидение улоқни илиб кетишади. Шунда кўраверасиз, жойлардаги кўтаринки меҳнат кайфияти-ю, оммавий сафарбарликни. Ғалаба рапортлари ва қўшимча мажбуриятларнинг кети узилмайди. Оқибат-чи?! Оқибати ўша ўзингиз билгандек — ғалвир сувдан кўтарилганда, яъни кузда билинади, қолади. Миллионлаб экилган кўчатлару ниҳоллар худди тескари ўсгандек ердан қулоқ чиқармайди. Сабаби нима? Сабаби — умумий касалимиз — «масъулиятсизлик».

Худди биз ота мерос заминда меҳмонмизу эрта-индин бу ердан кўчиб кетамиз. Шу боисдан ўтирган жойимизни саришта қилиш, боғроғлар яратишга ҳожат йўқдек.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мавсумини ўтказиш бўйича тузилган республика штабининг дастлабки мажлиси ана шундай тахир гаплар билан бошланди.

Дарҳақиқат, нега биз ҳар бир ўзбекистонликнинг қонига сингиб кетган боғ яратиш анъанасини унутиб қўйдик? Ахир фарзанд туғилганда насибаси бутун бўлсин деб мевали дарахт, уй жойи учун терак ниҳоли экадиган халқ биз эмасми? Қишлоқларимизда мева-чева сотиш уят ҳисобланиб, келган-кетганнинг, йўловчию меҳмоннинг қўйни-қўнжиси ноз-неъматга тўлдириб юборилмасмиди? Шудай элга «кўчат эк, боғ қил» деб кўрсатма берилса, буйруқ қилинса эриш туюлмасмикан?

Яна ўша гапга қайтамиз. Агар узоқни қўйиб кейинги беш йил ичида экилган мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини кўкартириб олганимизда, ҳозир олманинг килоси фалон пул бўлмасди, саратонда соя-салқин қидириб сарсону саргардон қолмасдик. Нима қилиш керак? Бу борадаги масъулиятсизликни қандай бартараф этиш мумкин? Ниҳол экилишини фарзанд туғилишига қиёслайдилар. Нега энди уйдаги фарзандимиз — ниҳолимиз барқ уриб ривожланадию, кўчакўйдаги, дала-боғдаги кўчат саратон кўрмай сарғаяди?

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш республика штабида ана шу саволларга жавоб изланди. Асосий сабаб — масъулиятсизлик, довдарахтлар экишга вақтинчалик кампания деб қараш кайфиятлари зоҳирлиги. Жамоат жойларида, корхона ва хўжаликлар ҳудудида ниҳоллар парвариши жиддий назорат қилинмас экан, аҳвол ўзгармаслиги таъкидланди. Назаримда, дов-дарахтларни асраш, айниқса ниҳолларни эҳтиётлаш юзасидан жиддий ҳуқуқий чоралар белгиланса зарар қилмасди: кўчадаги дарахтни синдирдингми, тўла мўмай жаримани. Далага экилган ниҳоллар қаровсизлик оқибатида қуриб қолдими, қонун олдида жавоб бер. Ана шунда беғам раҳбарларнинг, бели оғриб кўчат экмай уни синдирадиган, илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлайдиган кишиларнинг масъулияти ошган бўлармиди.

Умуман республикамизда кўкаламзорлаштиришнинг аҳволи қониқарсиз десам инсофдан эмас. Тадбиркорлар, ишнинг кўзини биладиганлар, отаси боғбон ўтганлар бекор ўтиришгани йўқ. Экишаяпти, парвариш қилишаяпти. Яхши гапларни Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон комитети шаънига айтгинг келади. Унга қарашли жамоалар ўтган йили терак ўстиришни кўпайтириш ташаббуси билан чиқдилар. Қўқон ўрмон хўжалигининг ўзи 1000 гектардан ортиқ ерга терак экди. Жиззахликлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Вилоятда 1991 йилда 110 гектар теракзор барпо этилди. Ўрмончиларнинг фаолияти барчага ибрат бўлмоғи лозим. Терак — қурилиш материали. У кўп бўлса, Русия ёғочига кўз тикиб ўтиришимиз камаяди.

Мана, фасли навбаҳор келди. Энди кўкаламзорлаштириш тадбирларини кампаниячиликка айлантирмасдан, мингта ниҳол экдик деб лоф урмай битта кўчатни кўкартиришга эришиш зарур. Бу хайрли ишга «Халқ сўзи» жамоаси бажонидил қўшилади. Биз ниҳоллар экилишидан тортиб ҳосилга киргунга қадар бўлган юмушларнинг бажарилишини имкони борича назорат остига оламиз.

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ.

КОНВЕРСИЯ АМАЛ ҚИЛМОҚДА

ШЎРТАН газ мажмуи яқинида кислород тайёрлайдиган завод ишга туширилди. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларидаги табобат муассасалари ва қурилиш ташкилотлари корхона хизматидан фойдаланадилар. У бир кеча-кундузда мингта яқин балонни газ билан тўлдириб бериши мумкин. Суюлтирилган кислород 183 даражали совуқда ишлаб чиқарилади.

Омскда тайёрланган ускунадан яқин-яқингача Қобул ҳарбий касалхонасида фойдаланиб келинди. Конверсия шарофати билан ускуна бу ерга олиб келинди. Энди завод ўз маҳсулотларини фақат табобат муассасаларига, қурилиш ташкилотларига, шу сингари бошқа корхоналарга етказиб беради.

ЯНГИ УЙЛАР... ҲАЛИ КАМ

УРГАНЧ шаҳридаги 150 оила янги квартираларга кўчиб киришди. Улар бу кунларни орзиқиб кутган эдилар. Маҳаллий уйсозлик комбинати шаҳарнинг турли чеккаларида бир вақтнинг ўзида учта кўп қаватли уйни фойдаланишга топширди. Уларнинг иккитаси шу заҳоти телефонлаштирилди.

Урганч уйсозлик комбинати ўз қувватини кўпайтирмоқда. Корхона жамоаси яна тўртта юқори қаватли уйнинг пойдеворини қуйиб бўлди. Бу уйларга йил охиригача оилалар кўчиб киришади. Ўтган йили 2 мингдан кўпроқ оила янги квартираларга олган эди, бу йил эса ана шу кўрсаткич икки баравар ортади.

Лекин бу ҳам етарли эмас. Урганч шаҳрида уй олиш учун мингдан ортиқ оила навбат кутиб турибди.

Душан ФАЙЗИЙ,

ЁЗУВЧИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ.

БУХОРОГА УНИВЕРСИТЕТ КЕРАК

ЎТГАН йилнинг кузида Бухоро давлат педагогика институти ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлади. Тантаналар бошланиши арафасида кўп сонли талабалар ва ўқитувчилар, қолаверса Бухоро меҳнат аҳлининг хоҳиш-иродасига кўра институтга Файзулла Хўжаев номи берилди (шу пайтгача у Оржоникидзе номи билан аталарди) ва ушбу олий билим даргоҳига кираверишдаги хиёбонда Файзулла Хўжаевнинг кичикроқ бир ҳайкали қўйилди. Шундай қилиб, бундан буён институт Файзулла Хўжаев номи билан аталадиган бўлди. Қандай, яхши, худди тилла узукка зумрад кўз қадагандек ярашиқли!

Мен ўша маросимда яқин келажакда ана шу институт заминида Бухорода университет барпо этилиши истагини айтгандим.

Ҳа, Бухорода университет!

Аслини олганда, ўша олис йилларда — Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети (1920 йил), Самарқандда Ўзбек давлат университети (1927 йил) ташкил этилган даврда — Бухорода ҳам худди шулардек давлат университети бунёд этиш лозим эди. Бухоро ҳар жиҳатдан бунга ҳақли эди.

Бухоро Октябрь инқилобидан олдин чор Русиясига вассаллик даврида ҳам, ундан сўнг то 1920 йилда саркарда Фрунзе қўшинлари шаҳарни ва вилоятни босиб олгунча ҳам ўз мавқеи эътибори билан улкан ва бақувват давлат эди. Унинг қудрати шу даражада эдики, кўпгина олис-яқин мамлакатлар билан бордикелди қилар, йирик давлатларга хос сиёсий-иқтисодий муомалада эди. Русия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва бир талай араб мамлакатлари, ҳаттоки баъзи бир Оврўпо ҳукуматлари ҳам Бухоро давлати билан тенгма-тенг ҳисоблашар эдилар.

Бир томони Хоразм ва Қизилқум этакларидан тортиб, ҳозирги Туркманистон ва Тожикистон жумҳуриятларининг катта бир қисмини, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, бир томони эса Самарқанд вилоятининг Нурота, Хатирчи, Нарпай, Зиёвиддин, Кармана каби ерларини ўзига бирлаштирган, салкам тўрт миллион аҳолиси бўлган Бухоро бадавлат мамлакат ҳисобланарди.

Унинг шўролар ҳокимияти йилларидаги мавқеи ҳам ҳазилакам эмасди. Олтин ва қоракўлини, гази ва пахтасини, хуллас мақтови оламга кетган бойликларини ким билмайди дейсиз!

Маорифу маърифатга келганда айтиш мумкинки, Бухородаги минг йиллар билан бўй ўлчашадиган мадрасаларнинг ҳар қайсиси бир фан ва маданият ўчоғи, бир дорилфунун эди. Шарқнинг буюк алломалари — Абу Али ибн Сино, Хўжа Исмоил Бухорий, Абу Абдулло Рўдакий сингарилар ўз илмий даҳолари билан машҳури жаҳон бўлганликларида, дунёга довруғ солганларида ҳали Америқо қитъасининг кашф этилишига роппа-роса 500 йил бор эди. Номлари тилга ва қаламга олинган мўътабар зотлар эса ўша даврда Бухоро дорилфунунларида таҳсил кўриб, ақл ва фикрини чархлаган, ўз иқтидорлари билан бутун Шарқни ҳайратда қолдирган эдилар.

Ўз замонида Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат сингари алломалар Бухоронинг илму фандаги юксак шуҳрати ҳақида куйиниб ёзганликларини хотирлаш мақсаду фикримизни ойдинлаштиради.

Агар Бухорода ҳозирги замон фанлар академияси, дорилфунунларга қиёс қилинадиган илм ва маданият марказлари бўлмаганида бу даража ривожланиш сарҳадлари қаерда эди! Ўз-ўзидан аёнки, Бухорода керакли тагзамин, яъни илм ва зиё тарқатувчи мактабу мадрасалар, турли санъатлар, меъморчилик ва ҳунар марказлари мавжуд бўлган. Биргина подшолик кутубхонасининг шуҳратини эслаш кифоя.

Худди шу ўринда ўқувчиларимизнинг диққатини бир масалага қаратмоқни истаймиз. Агар шу 70 йил давомида Бухорода университет бунёд бўлиб, у керакли илмий-техникавий мутахассисларни тайёрлаганида, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Мурунтов, Газли сингари саноат марказлари учун керакли инженерлар ва бошқа ҳунар эгаларини ўзга ўлкалардан таклиф қилиб юрмаган бўлардик. Айтиш мумкинки, мамлакатнинг Шимол ёғидан битта мутахассисни ишга таклиф қилдингизми, унинг ортидан беш-олти киши эргашиб келади — оила аъзолари, ота-она, ака-ука, оғайни дегандек... Уй-жой танқислигининг, ишсизликнинг, озиқ-овқат камайиб бораётганининг бир учи шуларга ҳам бевосита боғлиқ.

Хуллас, ўша йигирманчи йиллардаги хатони тузатиш ҳалиям кеч эмас. Бухорода университет очиш вақти-соати етиб келиб, эшик қоқиб турибди ва шундай қилинса бутун ўлка халқининг орзу-армони ушалган бўлади.

КЎҲНА БОЗОР ЭРУР БУ ДУНЁ

ИШОНИБ ЮРДИК

Дунё кўпдан бери даҳоларга муҳтож,
Бир доҳий излаймиз биз ўзимиз ҳам.
Етим бўталоқдир бугун ул тахту тож,
Безовта тушлар кўрар Маркс бу оқшом.

Йигирманчи аср тўла қусурларга,
Бизнинг шаккокликдан яратган ҳам доғда.
Ишониб юрдик биз не бир унсурларга,
Ул соҳта доҳийларки... тухми палагда.

Мунис онажонлар, йўқ сиздан гинамиз,
Ўғиллар туғаяпсиз — бу олий ҳавас.
Шунга ҳам минг шукур, шунга ҳам
кўнамиз,
Лекин ҳар бир ўғил — ахир даҳо эмас.

Турфа буюмга сероб дунё бозори,
Оддий палахмондан ракетага қадар.
Бунчалик тоймас эдик забунлик сари,
Унда ақл-идрок сотилсайди агар...

ЙИРОҚ ЙЎЛЛАР

Сардоба — Бухоронинг дарвозасидир,
Уфқда Чўли Малик — симобий сароб.
Яшилранг майсазорнинг майин сасидир,
Малла тўн барханларни қиздирар офтоб,
Бухоро, йўлларинг жуда ҳам йироқдир,
Минг ўчиб, минг ёнган ул қадим
чироқдир.

Бир ёқда — қум аро вайрона бир
шаҳар,
Бир ёқда — Або Муслим — табаррук
тупроқ.
Муаллақ тургандайин ул «шаҳри Барбар»,
Бу тарихнинг йўллари жуда ҳам йироқ.
Бухоро, манзилларинг бунча ҳам узоқдир,
Минг ўчиб, минг порлаган қадим
чироқдир.

Фасли баҳор эрур, уфққа тутошиб,
Қирмизи қизғалдоқлар — қирнинг
қизлари.
Хаёл тўлқин урди қирғоқлардан ошиб,
Малик чўл бағрида шоҳ Бобур излари...
Бухоро, йўлларинг жуда ҳам йироқдир,
Минг ўчиб, минг ёнган ул қадим
чироқдир.

ҚИРҚ БОЛА ЭДИК

Ғўралик чоғида ҳаммамиз тенг эдик,
Гўё бир дарахтнинг беадад ғунчаси.
Бир майнзни қирқ бола қирқ бўлиб
ердик,
Садоқатли ўғлонлар эди барчаси.
Йиллар ўтди.
Боғдаги дарахтлар мисол,
Бўй чўзиб, улғайдик, ҳосилга кирдик.
Бизни юксакларга ундарди хаёл,
Энг баланд ул чўққи бизники дердик.
Ўша чўққи учун талашдик бир фасл,
Арслонлар бир-бирин ғажир эди гўё,
Кўзни қамаштириб турган ул «қаср»,
Сени ром этганди — ялтироқ бир рўё,
Шунда кураш бошладинг очиқ, бешафқат,
Оддий кураш эмас, балки кескин жанг,
Дили озор чеккан дўстларинг, ниҳоят —
Сендан узоқлашди, асаблари таранг!
Эшитдим,
Бир жўранг — у энг яқининг,
«Илиниб» турганмиш ёнингда ҳамон,
«Тахт» узра фалакка чўзганча қўлинг,
Гердайиб турмишсан, тегрангда осмон...
Не дей!
Дўст юзига рўй рост босдинг қадам,
Ахир — бу разиллик, жаҳолат ва
мунгдир!
Қачон юз ўгирса энг сўнгги дўстинг ҳам,
Билгил,
Ўша кун... ўша кун — сен ўлган кундир!

ОЛТИН РАНГ ШАРОБ

Жанна д'Арк сингари
ўтда қовурилган,
Ўша сўниқ, муқаддас
руҳ учун,
Оловдек бир уюм
кул узро турган,
Ўша қиз сиймоси —
гулруҳ учун,
Ичайин бир қадаҳ
олтинранг шароб.
Йиғлаб-йиғлаб ичайин,
нола-ю фиғоним
Кўз ёшларим билан
қўшилиб ёнсин.
Ёрга етолмаган менинг
шўрлик жоним,
Ишқ гулоби эмас,
заҳри билан қонсин.
Ичайин бир қадаҳ
олтинранг шароб.
Ўша гулхан аро ёниб
кетдим-ку, эй,
Энг сўнгги дақиқа...
боқмади-ку омад.
Бу дунёнинг баҳридан
ўтдим-ку, эй,
Қавжироқ хок узра
қип-қизил қиёмат,
Ичайин бир қадаҳ
олтинранг шароб.

Жумъа қироатлари

ДИНИМИЗ ИСЛОМ

ПАЙҒАМБАРЛИКНИНГ ХОТИМАЛАНИШИ

Яна шуни айтиб ўтишимиз лозимки, пайғамбарнинг таълимисиз ва улуғ Қуръонсиз исломни ва унинг тўғри йўлини таниб бўлмайди. Муҳаммад алайҳиссалом бутун башариятга юборилиб, шу билан ваҳий-пайғамбарлик силсиласи хотималанади. Оллоҳ таоло башариятга юборилган ҳидоят ва нурларнинг барчасини у кишининг воситаси билан юбориб бўлди. Кимки ҳақиқат излаб, Оллоҳга мусулмон банда бўлишни хоҳласа, мана шу пайғамбарларнинг хотимасига ишониши, у олиб келган ҳидоят ва ҳужжатларга тўла бўйсуниши, унинг йўлига эргашиши лозим.

ПАЙҒАМБАРЛИКНИНГ ХОТИМАЛАНИШИГА ДАЛИЛЛАР

Пайғамбарликнинг моҳиятини ўқиганимизда пайғамбарларнинг ҳар куни туғилавермаслигини билиб олгансиз. Шунингдек, ҳар бир халққа ҳар вақт бир пайғамбар бўлиши шарт эмас, зеро пайғамбарнинг ҳаёти ва таълимини олиб келишдангина иборат бўлиб, модомики, унинг ҳидояти ва таълими ҳаёт экан, ўзи ҳам ҳаётдир. Аввалги пайғамбарларнинг умри тугади. Кейингилар эса уларнинг таълимларини ўзгартириб, ўзларича хоҳлаган нарсаларини қўшиб юборишган. Бугунги кунда улардан бирортасидаги китобнинг аслини топиб бўлмайди. Уларнинг тобелари китобнинг асли бор, деб даъво қилиша олмайди, шунингдек, одамлар уларнинг таржимаи ҳолларини ҳам унутиб юборишган. Ишонса бўлгудек ҳақиқий таржимаи ҳолларидан огоҳ эмаслар. Ҳатто қачон, қаерда туғилганини, қандай ишлар билан машғул бўлганини ҳам билишмайди. Шундай қилиб, ҳозирги одамлар аввалги пайғамбарларнинг қандай ҳаёт кечирганлари, нимага буюриб, нимадан қайтарганларидан хабардор эмаслар. Мана шу пайғамбарлар умрларининг тугаганидир.

Аммо саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳалигача ҳаёт, зеро, у кишининг ҳидояти ҳаёт. Оллоҳ юборган ўша Қуръон ҳам асл нусҳасида қўлимизда турибди. Унинг бирорта ҳарфи ёки нуқтасига ҳам ўзгариш киритилмаган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқи, ҳаётдаги ҳолатлари, барча ишлари ва сўзлари узоқ йиллар ўтганлигига қарамасдан, китобларда сақланиб, девон қилиниб келмоқдаки, гўё биз у кишини ўз кўзимиз билан кўриб, сўзларини ўз қулоғимиз билан эшитаётгандекмиз. Дунёда ҳеч кимнинг таржимаи ҳоли у кишиникидек сақланиб қолган эмас. Биз ҳар бир ҳолатда, ҳар вақт у кишига эргашамиз, унинг ишини ўзимизга ўрнак қилиб олишимиз мумкин. Мана шу Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин башариятга Оллоҳ тарафидан пайғамбар юборилишининг ҳожати йўқлигига далилдир.

Қуйидаги учта сабабдан бири топилганда, бир пайғамбардан кейин яна бир пайғамбар юборилади:

1 — аввалги пайғамбарнинг таълими ўчиб кетиб, уни одамларга қайтадан тақдим қилиш зарурати туғилса;

2 — аввалги пайғамбарнинг таълимида бир камчилик бўлиб, уни тўлдириш лозим бўлиб қолса;

3 — аввалги пайғамбарнинг таълими маълум бир халқдагина чекланиб қолиб, бошқа халқлар пайғамбарларга муҳтож бўлсалар.

Бугунги кунда учала сабаб ҳам топилмайди:

1 — пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таълими ҳаёт. Ҳалигача қўлимизда шундай воситалар мавжудки, улар билан ҳар қачон у кишининг динини, Оллоҳ тарафидан келтирган ҳидоятни инсонларга тавсия қилган ҳаётий йўлини, буйруқлари ва таъқиқларини билиб олишимиз мумкин, модомики, у кишининг ҳидоятлари ҳалигача қўлимизда экан, уни инсонларга қайтадан тақдим қиладиган бошқа пайғамбарга ҳожат йўқ.

2 — Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги билан бутун дунё исломнинг тўла таълимига мушарраф бўлади. Бугунги кунда уни зиёда қилиш ёки камайтиришга ҳожат йўқ. Шунингдек, унда яна бир пайғамбар келиб тузатиши керак бўлган қусур ҳам йўқ. Шу билан иккинчи сабаб ҳам кетди.

3 — Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги маълум бир халқ билан ёки муайян замон билангина чекланиб қолмай, бутун дунёга таалуқли бўлади. Ҳеч қайси халққа Оллоҳ тарафидан махсус пайғамбар юборилишига ҳожат қолмади. Шундай қилиб, учинчи сабаб ҳам кетди.

Шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарларнинг хотимаси, яъни охиргиси дейилади.

Бугунги кунда дунё бошқа пайғамбарга эмас, балки пайғамбарга эргашиб, инсонларни Оллоҳга тобеъ бўлишга ундайдиган, уларга пайғамбарнинг ҳидоятларини тушунтирадиган, ўрганадиган ва ер юзида Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳ тарафидан келтирган қонуннинг даъватини барпо қиладиган кишиларга муҳтож.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

МУФАССАЛИЙМОН

Эй ўқувчим, олдинга қадам қўйишдан аввал ўтган бўлимларидан олган маълумотларингизни яна бир бор кўздан кечириб чиқсангиз зарар қилмайсиз.

1 — Шубҳа йўққи, ислом — Оллоҳга тоат қилиш, унинг фармонини адо этишдир. Оллоҳнинг зотини ва сифатларини, бандаларнинг ҳаёт ўтказишлари учун белгилаб берган йўлини, охиратда амалларга қараб бўладиган савоб ёки азобни Оллоҳ тарафидан юборилган пайғамбаргина тушунтириб бера олади. Бошқача қилиб айтганда исломнинг ҳақиқий таърифи: «Пайғамбарнинг таълимларига ишониш, унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳолда Оллоҳга ибодат қилишдир. Кимки пайғамбарнинг кўрсатмасидан бош тортса, уни Оллоҳни ва унинг қонунини билишга восита қилмаса, гарчи Оллоҳга бўйсунянман, унинг қонунига итоат этаяпман, деб даъво қилса ҳам мусулмон эмас».

2 — Ўтган замонда пайғамбарлар ҳар бир халққа алоҳида юборилган. Бир халққа олдинма-кетин бир неча пайғамбарлар юборилган ҳоллар ҳам бўлган. Ҳар бир пайғамбар келтирган диннинг номи бир хил — ислом бўлган. Ҳаммасида ислом моҳият жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, шариатларида, яъни қонун ва ибодат қилиш йўлларида бир-биридан фарқ қилган. Ҳар бир халқ гарчи барча пайғамбарга ишониши лозим бўлсада, ўзидан бошқа халққа эргашиши мумкин эмас.

3 — Муҳаммад алайҳиссаломни ер юзига пайғамбар қилиб юбориш билан Оллоҳ таоло ислом таълимларини камолига етказиб, уни бутун башариятга битта шариат қилиб туширди. У кишининг пайғамбарлиги маълум бир халққа ёки муайян замонга эмас, балки бутун инсониятга, охир замонгача бўлди. Мана шу пайғамбарлик билан аввалги пайғамбарлар олиб келган шариатлар бекор қилинди. Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин қиёмат кунигача одамларга бошқа шариат юборилмайди. Ҳозирги кунда ислом — Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлишдан бошқа нарса эмас. Зеро у кишидан кейин инсониятга бошқа пайғамбарлар юборилмайди.

Келинг, энди сизга Муҳаммад алайҳиссалом бизни ишонишликка буюрган ишларни баён қилайлик.

ОЛЛОҲГА ИШОНИШ

Муҳаммад алайҳиссалом бизни аввало «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»лигига ишонишимизни буюрган. Бу жумла исломнинг асосидир. У мусулмонни кофирдан, мушрикдан ва худосиздан ажратиб туради. Шу билан бирга мўмин билан кофирнинг орасидаги катта фарқни маълум қилади. Мўминлар — дунё ва охиратда зафар қозонган, бахтли, тараққиёт топган бир тоифадир. Кофирлар эса — дунё ва охиратда муваффақиятсизликка учраган, шарманда бўлган, омадсиз бир тоифадир.

Бу катта фарқ икки кишининг бири мана шу А, Л, Ҳ ва бошқа ҳарфлардан тузилган сўзни тили билан айтиб қўйишлиги билангина ҳосил бўлавермайди. Агар сизнинг бошингиз оғриб қолса, ичмасдан «анальгин» сўзини минг марта такрорласангиз ҳам тузалиб қолмайди. Шунингдек, «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» жумласининг маъносини ҳис қилиб, нимага иқрор бўлганингизни билмагунингизча ёки шу иқрор бўлиш билан устингизга қандай катта масъулиятни юклаганингизни сезмагунингизча фойда бермайди. Тўғрироғи, мана шу жумла қалбингизни қаъридан жой олмагунича, ўзингиз унга тўла ишонмагунингизча ҳақиқий фарқ ҳосил бўлмайди. Унга ишонишингиз ўтнинг куйдириши ёки заҳарнинг ўлдиришига ишонишингиздан кам бўлмаслиги керак. Яъни, ўтга ишонишингиз уни ушлашингиздан қайтарганидек, «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ»лигига ишонишингиз ширк, куфр, худосизликлардан эътиқодда ҳам, амалда ҳам қайтариши керак.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши рўзноманинг 29 ноябрь, 13, 20, 27 декабрь, 10, 17, 24, 31 январь, 7, 14 февраль сонларида).

ШИФОКОР— ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНИ

УРГАНЧДАГИ ибн Сино номли умумсоғломлаштириш ширкати муассиси Рўзмат Ражабовнинг қисқа муддатли очлик билан даволаш усулига қизиқувчилар кўпайиб бораяпти. Тиббиётдаги бу ғайритабиий муолажа ўзбек киноҳужжатчилари эътиборини ҳам жалб этди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси режиссёри, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Солий Давлатов икки қисмдан иборат «Сиҳат истасанг» деб номланган ҳужжатли лентани суратга олди.

Ғаройиб даволаш усули — халқ табобати ва тиб илмини ўзаро уйғун ҳолда қўллаб, фавқулодда катта самарага эришаётган шифокорнинг фаолияти фильм воқеалари учун асос қилиб олинган. Москвалик профессор, беморларни очлик йўли билан даволаш усули асосчиларидан бири Юрий Николаев хоразмлик шифокорга бағишланган фильмни суратга олиш жараёнида бевосита қатнашди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тайлоқ районидаги «Боғизоғон» давлат хўжалигининг иссиқхонасида меҳнат қилаётганлар жорий йилда 118 тонна лимон, 85 тонна помидор ва бошқа маҳсулотларни етиштириб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача 110 тоннага яқин лимон ва 65 тонна помидор маҳсулотини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишга эришдилар.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор звено бошлиғи Маъмур Хурамов ва унинг жамоасидагилар қизғин терим палласида.

Р. АЛИЕВ олган сурат.

«Халқ сўзи»га хат

ИССИҚ СУВСИЗ ҚОЛДИК

«Юнусобод мавзесининг 19-даҳаси билан «Қизил деҳқон» маҳалласи оралиғида 1989 йил бошидан Қариялар уйи жадал қурила бошланган эди. Афсуски, бу бино ҳанузгача битгани йўқ. Қурувчилар ўтган йил ёзда 19-мавзенинг 15-19-уйлари олдидаги асосий йўлни қариялар уйига иссиқ сув олиб ўтиш учун қазиб ташланганди. Бу хайрли, савобли иш, албатта. Лекин 500 та хонадонни ярим йиллаб иссиқ сувсиз қолдириш инсофданми? Бу ҳандак болалар учун ўйингоҳ бўлса, кўплар учун тайёр ахлатхонага айланди. Мана қиш кириб ёғин-сочинли кунлар бошлангандан буён, лойгарчиликда боғча, мактабга борадиган болалар учун бу ердан юриш жудаям хавфли.

Умидли дунё дейдилар. Ниятни бутун қилиб кутиб турайлик-чи, қурувчиларимизга, раҳбарларга худо инсоф берса, қарияларимиз уйлик, бизлар иссиқ сувлик бўлармиз. Кавлаб ташланган хандак ҳам кўмилиб, йўлимиз равон бўлиб қолар, эҳтимол... Лекин қачон?

Маҳалла аҳли номидан:

Зиёвуддин ЗАИНИДДИНОВ.

КИМГА ЗИЁН...

САМАРҚАНД. Дорилфунуннинг генетика, селекция, дарвинизм кафедраси олимларининг экологияни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ишлари самара бераяпти.

Бироқ тадқиқотлар олиб бориш учун ажратилган маблағ 60 мингдан 15 минг сўмга тушиб қолди. Бу сарф-харажатларга камлик қилади, тадқиқотлар кўламини чеклайди.

Ҳозир ҳам шаҳардаги корхона раҳбарлари ва бош мутахассисларининг масъулиятсизлиги туфайли сув ва ҳавонинг ифлосланиш даражаси юқори. Олимлар ишлаб чиқкан тавсиялар, таклифлар жойларда тўла тадбиқ этилмаяпти.

И. ДИЛМУРОДОВ.

Хорижга йўл

БОРИШ БЎЛСА, КЕЛИШ БЎЛУР

Покистоннинг «ТАБАНИ» компанияси олиб бораётган серқирра фаолият савдо-тижорат доираларида яхши маълум. Унинг фирмаларида ишлаб чиқарилаётган замонавий кийим-кечаклар жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатлари бозорларида сотилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, у республикамизда ҳам фаолият кўрсатаётир. «ТАБАНИ» вакили Муҳаммад Аббос Хоннинг таъкидлашича, компаниянинг Ўзбекистонда режалаштираётган ишлари кўлами ғоят катта. Улардан бири компания ҳомийлигида «Тошкент — Карачи» ҳаво йўлини очиш, икки халқ, икки мамлакатни бир-бирига янада яқинлаштириш, жиддий муаммоларни биргаликда ечишга кўмаклашишдир.

Шу кунларда мазкур фирманинг Карачидаги кўпдан-кўп тижорат фирмалари, корхоналари ва идораларига кирсангиз кўзингиз даставвал компьютер экранларида акс этиб турган қўйидаги ўзбекча сўзларга тушади: «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Мустақиллик муборак бўлсин, азиз меҳмонлар!». Компьютерларни моҳирлик билан бошқараётган миллий либосдаги қизлар икки мамлакат ўртасида ўрнатилаётган ҳаво алоқасига боғлиқ ҳамма саволларингизга мулойимлик билан жавоб қайтаришади.

Бундан бир неча кун аввал Карачи шаҳрида Ўзбекистон ва Покистон пойтахтлари ўртасида ҳаво йўлини очишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда жаҳон бозорига чиқишнинг ғоят самарали воситаси — бу, шубҳасиз, ҳаво йўлларидир. Миллий авиакомпанияларнинг кемалари иккала мамлакат орасида уча бошлар экан, бу қатнов халқимизни ёрқин истиқбол йўлига олиб чиқувчи сўқмоқлардан бири бўлади десак арзийди.

Қарийб 10 миллион аҳоли истиқомат қилаётган Карачининг Файсал номли шоҳ кўчасида жойлашган муҳташам бинолардан бирининг пештоқига ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» деган рангли лавҳа илиб қўйилган. Тантанали маросимда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг бошлиғи Ғани Мазитович Рафиқов раҳбарлик қилган расмий делегация иштирок этди. Бунда, шунингдек, бир гуруҳ ўзбек адиблари — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, ҳафталик бош муҳаррири Ўринбосари Иброҳим Ғафуров, «Шарқ юлдузи» ойномаси бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, ёзувчи Дадахон Нурий қатнашдилар. Адиблар «ТАБАНИ» компаниялари корхоналарида, Покистоннинг етакчи рўзнома ва ойномалари таҳририятларида, Умум Покистон ахборот маҳкамаси марказида бўлдилар, адиблар, журналистлар, тижоратчилар билан суҳбат қурдилар. Меҳмонлар ва мезбонлар иштирокида матбуот конференцияси ўтказилди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси билан «ТАБАНИ» компаниялари гуруҳининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбарияти ўртасида тузилган шартномага асосан мазкур нашр кейинги пайтларда «ТАБАНИ» фаолиятини мунтазам ёритиб келмоқда. Ташриф чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш хусусида келишиб олинди.

Ҳа, бориш бўлса, келиш бор. Инсон чеҳраси иссиқ эмасми, шу тариқа ташриф-лар одамларни яқинлаштириш, бирлаштириш, қондошу қариндошлик ришталарини мустаҳкам боғлаши шубҳасиздир.

Пок ниятлиларга Покистон ва Ўзбекистон дарвозалари ҳамиша очиқ эканлигига яна бир бор амин бўлинди.

Маҳмуд АҲМАД.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-07-94, 33-07-48, 33-10-60. Эълонлар бўлими: 32-09-25.

Индекс: 64608. Буюртма № 217. 100000 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.30.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12